2002 ЙИЛ ҚАРИЯЛАРНИ ҚАДРЛАШ ЙИЛИ БЎЛАДИ

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 8 декабрь шанба

Сотувда эркин нархда № 248 (2810)

Анъанага кўра, бу йил ҳам 7 декабрь — мустақил Ўзбекистон Конституцияси қабул қилинган кун арафасида пойтахтимиздаги муҳташам "Туркистон" саройида ўтказилган тантанали маросимга мамлакатимизнинг таниқли сиёсат ва жамоат арбоблари, маданият ва санъат намояндалари, пойтахт жамоатчилиги, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган хорижий давлатларнинг элчихоналари ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналари вакиллари йиғилди.

Юртимиздаги барча ёши улуғ инсонларнинг иззат-ҳурматини жойига қўйиш мақсадида мен кириб келаётган янги — 2002 йилни мамлакатимизда Қарияларни қадрлаш йили, деб эълон қилишни таклиф этаман.

ҚОНУНГА ҲУРМАТ, ҚОНУНГА ИТОАТ ҲАЁТИМИЗ МЕЗОНИ БЎЛСИН

Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Конституциясининг 9 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқи

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 9 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишни Тошкент шаҳри ҳокими Р.Шоабдураҳмонов очди.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат Мадҳияси янграйди.

Олий Мажлис Раиси Э.Халилов Конституциямизнинг тўққиз йиллиги тўғрисида маъруза қилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Мамлакатимиз раҳбари ўз нутқида халқимиз ҳаётида юз бераётган буюк ўзгаришларнинг туб моҳияти Конституциямизда белгилаб, муҳрлаб қўйилган ҳуқуқ ва имкониятлар, асосий принцип ва тамойилларни ҳаётга тўлиқ татбиқ этиш билан боғлиқ эканини алоҳида таъкидлади. Асосий Қонунда белгилаб берилган мезонларнинг амалий самараси кундалик ҳаётимизда ўз аксини топа борса, халқимиз, давлатимиз, ҳар бир фуқаро ўз олдига қўйган эзгу мақсад ва муддаоларига тезроқ эришади.

Мустақилликнинг илк кунлариданоқ мамлакатимизда инсон эрки, унинг бахт-саодати бош ғоялардан бирига айланди. Мана, неча йилдирки, ҳар янги йил юртимизга янги бир хайрли ном билан кириб келади. Бу ном ортида миллионлаб инсонлар манфаати, оилалар тинчлиги, аёллар саломатлиги, соғлом авлод камолоти, она ва бола ҳимояси ётади.

Конституция байрами арафасида бошланадиган яна бир яхши анъанага кўра, мамлакатимиз раҳбари кириб келаётган 2002 йилни «Қарияларни қадрлаш йили» деб эълон қилди. "Халқимиз "Қариси бор уйнинг париси бор", дейди. Ҳақиқатан ҳам, қаерда кексалар бўлса, уларга эътибор бўлса, шу жойда файз бор, барака бор. Бундай хонадонни Оллоҳнинг ўзи асрайди", деб таъкидлади Юртбошимиз.

Айниқса, кейинги йилларда мамлакатимизда аёлларга алоҳида ҳурмат-эътибор кўрсатилаётгани, уларнинг соғлигини тиклаш, жамиятдаги нуфузини ошириш борасида узоқни кўзлаган давлат дастурларининг қабул қилинаётгани боис жамиятнинг руҳий ҳаётида ҳам туб ўзгаришлар юз очмоқда. Аёлга, онага иззат-икром кўрсатилаётган юртда тинчлик ва осойишталик энг муҳим қадриятлардан бирига айланди.

Кириб келаётган йилнинг Қарияларни қадрлаш йили, деб эълон этилиши эса мамлакатимизда инсон шахсини, унинг маънавий ва ижтимоий манфаатларини янада теран ҳимоя этиш, жамият эътиборини хонадонимизнинг кўрки, эзгу ниятларимизнинг ижобати йўлидаги дуоғўйи, яқин маслаҳатчиси бўлган нуроний отахонларимиз ва онахонларимизга қаратиши билан ҳам аҳамиятлидир.

Маросим санъат усталари ва ёш ижрочиларнинг катта концерти билан якунланди.

Мусулмон НАМОЗ,
ЎзА мухбири.
Абдувоҳид ТЎРАЕВ
олган сурат.

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!

Муҳтарам дўстлар!

Авваламбор, бугунги қутлуғ айём — Конституциямизнинг 9 йиллиги билан сизларни, сизлар орқали бутун халқимизни чин қалбимдан самимий муборакбод этишга рухсат бергайсизлар.

Қадрли юртдошлар!

Бугун биз ҳаётимизнинг Асосий Қонуни бўлмиш Конституциямиз қабул қилинган кунни катта байрам сифатида нишонлар эканмиз, бу ерда айтилган фикрларга қўшилиб, ижозатингиз билан, мен ҳам бу санага тегишли баъзи бир фикр-мулоҳазаларимни билдирмоқчиман.

Албатта, Конституциямиз ҳақида, унда биз қураётган янги — эркин фуқаролик жамиятининг асосий тамойиллари аниқ-равшан белгилаб берилгани ҳақида, у ўзининг демократик моҳияти билан бутун дунёда эътироф этилгани тўғрисида кўп гапириш мумкин.

Лекин, барчамиз яхши тушунамизки, фақат Асосий Қонунимизни таърифлаш билангина узоққа боролмаймиз.

Бугунги кунда Конституциямиз ҳақида сўз юритар эканмиз, энг долзарб, керак бўлса, энг буюк вазифамиз — Олий қомусимиз белгилаб, мустаҳкамлаб берган асосий принцип ва тамойилларни ҳаётга тўлиқ татбиқ этишдан иборатдир.

Бу вазифани амалга оширишга нималар халақит бермоқда, олдимизда тўсиқ ва ғов бўлмоқда?

Биз бу борадаги муаммолар ҳақида кўп гапиришимиз мумкин. Лекин бу сабаблар орасида энг асосийси — аҳолимизнинг неча ўн йиллар мобайнида, тўрт-беш авлод умри давомида собиқ иттифоқ мафкураси ҳукмронлигида тарбияланганги, яъни бу тизимнинг салбий таъсири натижасида одамларимиз онгида қонунга беҳурматлик, уларнинг талабларига итоат қилмаслик, уларни бажармаслик хусусиятларининг ўрнашиб қолгани, десак, хато бўлмайди.

Нега деганда, етмиш тўрт йил мобайнида ҳукмронлик — зўравонлик қилган собиқ иттифоқ даврида қонун ва унинг моҳияти, жамиятдаги аҳамияти ҳақида камдан-кам сўз юритилар эди.

Бунинг сабаби эса, эски тузум шароитида қонун ва қонунчилик ўрнини ҳам кўпроқ коммунистик ғоя ва партия қарорлари эгаллаганида эди. Ва, керак бўлса, бу сохта мафкуранинг — давлат ҳаёти бўладими, жамият ёки инсоннинг шахсий ҳаёти бўладими, қолаверса, оиланинг ички ишлари бўладими — барчасига аралашиб кетгани, аралашиш у ёқда турсин, ҳатто ҳукмронлик қилгани ҳеч кимга сир эмас.

Албатта, ҳозирги ёш авлоднинг бу гаплардан хабари йўқ, эҳтимол, бунга ишонмайди ҳам. Лекин ёши каттароқ, ўзининг ҳаёти давомида кўп нарсаларни кўрган кишилар буни яхши билади.

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ АВСТРИЯ РЕСПУБЛИКАСИГА РАСМИЙ ТАШРИФИГА ДОИР

Австрия Республикаси Федерал Президенти Томас Клестилнинг таклифига биноан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов шу йил 10-12 декабрь кунлари расмий ташриф билан Австрияда бўлади.

Ташриф давомида ўзаро муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқболига оид ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар муҳокама этилиши, шунингдек, қатор икки томонлама ҳужжатлар имзоланиши кутилмоқда.

Ўзбекистон — Австрия: Ҳамкорликнинг янги истиқболлари

Замирида минтақавий ҳамда халқаро миқёсдаги тинчлик ва барқарорликни сақлаб қолишга муштарак интилишлар ётган давлатларимиз ўртасидаги муносабатлар бугунги кунга келиб тобора катта ўсувчанлик ва олдинга қараб янада ривожланиш учун алоҳида рағбат касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 1992 йил сентябрь ойида Австрияга буюрган ташрифи ва Австриянинг собиқ канцлери Франк Враницкийнинг 1998 йили мамлакатимизга ташрифи бунинг ёрқин исботидир. Бу ташрифлар икки томонлама ҳамкорлик тарихида алоҳида аҳамиятга молик воқеа бўлиб, давлатларимиз ўртасидаги ўзаро манфаатли ва узоқ муддатли ҳамкорликнинг асосий йўналишларини белгилаб берди.

Австрия биринчилар қаторида Ўзбекистон мустақиллигини тан олди. Давлатларимиз ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганига ҳам тўққиз йил бўлди.

Бу давр мобайнида Ўзбекистон Республикаси ва Австрия Республикаси ўртасидаги икки томонлама алоқаларнинг асосини ташкил этувчи бир қатор шартнома ва битимлар имзоланди.

2000 йилда сармояларни ҳимоя қилиш, икки ёқлама солиққа тортилишга йўл қўймаслик, ҳаво алоқалари, сув ресурсларидан фойдаланиш соҳасида ҳамкорлик тўғрисида имзоланган тўртта битим давлатларимиз ўртасидаги муносабатларни

(Давоми 3-бетда).

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг еттинчи сессияси тўғрисида АХБОРОТ

Тошкентда 7 декабрь куни иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг еттинчи сессияси ўз ишини давом эттирди.

Парламент сессияси ишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этди.

Сессияни Олий Мажлис Раиси Э.Халилов бошқарди. Олий Мажлиснинг Атроф-муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси раиси К.Жумабеков Ўзбекистон Республикасининг "Маҳсулот тақсимотига оид битимлар тўғрисида"ги қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда депутатлар эътиборига ҳавола этди. Мазкур Қонун лойиҳаси муҳокамасида "Шўртаннефтгаз" унитар шўъба корхонаси раҳбари О.Муродов, Самарқанд давлат университети ректори Р.Холмуродов, Қумқўрғон тумани ҳокими Н.Чориев, "Билдинг технологиз" Ўзбекистон — Америка қўшма корхонаси бош директори С.Ким, "Фонон" илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори М. Ашуров иштирок этди. Парламент ушбу қонунни ва уни жорий қилиш тартиби тўғрисидаги қарорни қабул қилди.

"Кредит уюшмалари тўғрисида"ги қонун лойиҳасини депутатлар эътиборига Олий Мажлиснинг Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари Б.Панаев тақдим этди. Ушбу масала бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т.Рисқиев, Нарпай туманининг "Пахтакор овози" газетаси бош муҳаррири Т.Тошмуродов музокарада иштирок этди.

Мазкур қонун лойиҳаси муҳокамаси чоғида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов депутатларнинг эътиборини кредитларни қайтариш, фоиз ставкаларини белгилаш, ссудалар беришни назорат қилишни ҳуқуқий жиҳатдан аниқ ҳал этиш масалаларига қаратди. Давлатимиз раҳбарининг таъкидлашича, мамлакатимизда кредит уюшмалари фаолиятининг шундай қонунчилик асосларини яратиш керакки, у ҳаёт талабларига тўлиқ жавоб бера олсин ва мазкур уюшмаларнинг изчил тараққиётини таъминласин.

Олий Мажлис ушбу Қонун лойиҳасини биринчи ўқишда маъқуллади ва Президент Ислом Каримовнинг фикрларини инобатга олиб, уни янада такомиллаштириш ва мазкур ҳужжатни

(Давоми 2-бетда).

Бобо-момосини авайлаб кўздек, Меҳр-оқибат-ла яшайди ўзбек!

Рўзғори тинчнинг юрти ҳам тинч

Бундоқ ўйлаб қарасак, ҳамма нарса оиладан бошланади. Оилада тўкинчилик, тинчлик-хотиржамлик бўлса, юртимиз ҳам тўқлашиб, бақувватлашиб бораверади. Оила, Аёллар, Соғлом авлод, Оналар ва болалар йилларида ўзбек оиласининг асоси ҳар томонлама мустаҳкамланди.

Тўрт нафар боламиз қаторига яна олтита ўғил-қиз қўшиб олганимизда, уларни бир-биридан кам кўрмасликка аҳд қилгандик. Шукурки, шундай. Уларга давлат томонидан белгиланган нафақани вақтида олиб турибмиз. Маҳаллий ҳокимият ҳам ёрдам бериб туради. Ҳомийларимизнинг бири уст-бош қилиб берса, иккинчиси еб-ичишга қарашади. Дўхтирларга қаратиш ҳам текин. Ўқитувчилар ҳам иложи борича бепул дарсликлар билан таъминлашга ҳаракат қилишади. Ўзимизку қараб ўтирмаймиз. Ҳаракат қилган одам хор бўлмайди-ку ҳеч замонда?

Ўтиб бораётган йилда болажон Юртбошимизнинг оналар ва болалар учун қилган савоб ишлари кўп бўлди. Буни санаб адоғига етиш қийин. Келгуси йилнинг Қарияларни қадрлаш йили деб эълон қилиниши эса давлат раҳбаримизнинг доимо инсонлар ҳақида ғамхўрлик кўрсатишидан яна бир далолатдир.

Бундай ардоқда яшашликни ҳамиша ҳаммамизга насиб айласин!

Дилбар ва Маҳмуд ТОЖИЕВлар.
Оҳангарон шаҳри.

Мана бу суратга бир қаранг-а, беихтиёр кексаларимиз уйимизнинг файзи, чироғи эканлигига яна бир бор амин бўласиз. Айниқса, улар қўш устундай оилани маҳкам тутиб, бирбирларига меҳр-оқибат кўрсатиб, умргузаронлик қилиши қандай яхши! Бу оилада камолга етган фарзандлар, энг аввало, ота-онадан ибрат оладилар.

Чортоқ туманидаги Алихон қишлоғида истиқомат қилувчи Мамажон ота ва Рояхон Дадабоевлар оиласини каттаю кичик ҳурмат қилади. Отахон муборак 82 ёшни қаршилаган бўлсалар, турмуш ўртоғи Рояхон ая 76 ёшда.

Ота турмуш ўртоғи билан 60 йилдан буён тинч-тотув ҳаёт кечириб келяпти.

— Не-не қийинчиликларни бошимиздан ўтказмадик, — дейди ота. — Оллоҳга беадад шукур, мустақиллик шарофати билан қадриятларимиз тикланди, динимиз ўзимизга қайтди. Ҳатто Маккаи Мукаррамани Ҳаж қилиб келиш бахтига муяссар бўлдим. Ахир буларнинг барчаси учун шукрона айтмай бўладими?

Юртимиз тинч, Юртбошимиз омон, осмонимиз мусаффо бўлсин, оилаларимиздан файзу барака аримасин, дея ҳамиша дуодаман.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ
олган сурат.

Эт билан тирноқ

Биз она соғлом бўлса, бола соғлом туғилади, демак, оила саломат, юрт тинч, жамият обод бўлади, деган гапларни кўп қайтарамиз. Булар шу даражада бирбирига занжирмисол, узвий боғланганки, уларни бир-биридан ажратиб бўлмайди. Шу боис ҳам юртимиз сардори ташаббуси билан Оила, Аёллар, Соғлом авлод ва ниҳоят, Оналар ва болалар йиллари ҳар бирининг ўз мақсади белгиланганида катта маъно бор эди. Буни мен ўзимча, шифокор сифатида шундай баҳолагим келади: оилани оила қиладиган, унга файзу барокат киритадиган Аёллар. Уларни қанчалар эъзозлаб, улуғласак, парваришласак, дилбандларимиз тўрт мучаси соғ, боши тошдану устихони пўлатдан бўлиши аниқ. Ҳаётимиз давомийлигини таъминлайдиган оналар диёримиз эртаси бўлган болажонларининг баркамол авлод, комил инсон бўлиб етишишларида парвона бўлиб, бутун жисми жонларини фидо қилишларини ким билмайди, дейсиз? Қани энди оила, аёл, фарзанд деган тушунчаларни бирбиридан ажратиб кўринг-чи? Аммо бу тушунчани янада такомиллаштиришнинг бир жиҳати бор. Уйимизнинг тўрини тўлдириб, бола-бақраларни кулдириб, оиламиз фариштаси, ҳовлимиз сариштаси бўлган буви-буважонларнинг невара, эвара, чевараларига панд-насиҳат ила тўғрилик, ҳалоллиқдан «сабоқ» беришларидан кўз юмиб бўладими? Кечаги тантаналарни телевизор орқали кўриб, ёш боладек қувонганимни айтмайсизми? Янги йилимизнинг Қарияларни қадрлаш йили деб номланганини эшиттач, хаёлимдан табаррук кексалару беморларим ўтди. Уларнинг мамнун чеҳралари кўз олдимда намоён бўлди. Ўзимда кекса отахонлар, онахонлар олдидаги яна бир масъулликни ҳис этдим...

Гўзалхон ИСАМУҲАМЕДОВА,
Мирзо Улуғбек туманидаги 9-оилавий поликлиника I-филиали шифокори.

«Ўзбекистон — умумий уйимиз»

Ана шундай шиор остида Ўзбекистон Мустақиллигининг 10 йиллиги муносабати билан республика Байналмилал маданий маркази, «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари таҳририяти томонидан ташкил этилган ижодий танловга якун ясалди.

Қуйида танлов ғолиблари билан танишинг:

БИРИНЧИ МУКОФОТ — 150 минг сўм пул, «Қашқадарё» газетаси бош муҳаррири ўринбосари Людмила Кимга, «Умринг боқий бўлсин, онажон» ҳамда «Ўзлигинг намоён эт» мақолалари учун.

ИККИНЧИ МУКОФОТ — 100 минг сўм пул, Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи ходими Марина Пригородга, «Қалб қатидаги сўзлар» мақоласи учун.

УЧИНЧИ МУКОФОТ — 50 минг сўм пул, Ўзбекистондаги поляк миллий-маданий маркази фаолларидан бири, бастакор Павел Борисов-Регурецкийга, «Дўстлик шамчироғининг эзгу ёғдуси» мақоласи учун ҳамда Ўзбекистон Фанлар академияси академиги Саид Шермуҳамедовга, «Мустақиллик офтоби остида» мақоласи учун.

Танлов ташкилотчилари барча иштирокчиларга миннатдорчилик билдириб, уларни умумхалқ байрами — Конституция куни билан муборакбод этадилар ва янги ижодий ютуқлар тилайдилар.

ҚОНУНГА ҲУРМАТ, ҚОНУНГА ИТОАТ ҲАЁТИМИЗ МЕЗОНИ БЎЛСИН

Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Конституциясининг 9 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқи

(Давоми. Боши 1-бетда).

Табиийки, бундай шароитда яшашга мажбур бўлган одамлар онгидаги ана шу асоратлар ҳозиргача барҳам топган эмас. Яъни, қонун асосида эмас, буйруқ даражасига кўтарилган ғоя асосида яшашнинг таъсири, афсуски, ҳали-ҳануз сезилиб қолмоқда.

Ўйлайманки, мана шундай асоратлардан тезроқ халос бўлиш учун барчамиз — ҳам давлат, ҳам жамоат ташкилотлари ва ҳар қайси фуқаронинг ўзи қатъият билан ҳаракат қилиши керак. Биз жамиятимиз аъзоларининг, аҳолимизнинг ҳуқуқий онги, тафаккури ва маданиятини тарбиялашимиз, юксалтиришимиз керак. Бу ҳақда кўп гапирамиз, тарғибот ва ташвиқот қиламиз, аммо, афсуски, ҳали бу ишларимиз керакли натижаларни бераётгани йўқ.

Агар эътибор берсак, Конституция ва қонунларга юксак ҳурмат даражасини, бунинг аҳамиятини кўпгина демократик давлатлар мисолида кўришимиз мумкин.

Айниқса, Америка Қўшма Штатлари, Буюк Британия, Франция, Германия, Япония сингари илғор мамлакатларда Конституцияга бундай муносабат одамларнинг кундалик ҳаётидан мустаҳкам ўрин олган, айтиш мумкинки, уларнинг қон-қонига сингиб кетган.

Кўпгина бундай давлатларда болаларни ёшлик пайтидан парламентга экскурсияга олиб бориш одати бор. Мен бунга кўп жойларда шахсан гувоҳ бўлганман. Ҳатто Япония ёки Малайзия каби мамлакатларда эндигина мактабга қатнайдиган болалар парламент биносига ҳурмат билан таъзим қилганини ўз кўзим билан кўрганман.

Бу таъзим — парламентнинг ҳашаматли биносига эмас, аввало, шу бинода қонунлар устида ишлайдиган депутатлар фаолиятига, мамлакат тақдирини ҳал қиладиган олий вакиллик идорасига бўлган эҳтиром рамзидир.

Керак бўлса, бу таъзимни мана шу бинода яратиладиган қонунларга ҳурмат, уларга итоат этиб яшаш ифодаси, деб баҳолаш лозим.

Бундай ёндашувнинг чуқур маъноси, катта ижтимоий аҳамияти бор. Нега деганда, ҳар қайси инсон Конституция ва қонунларга ҳурмат билан қарагандагина бошқалардан — давлатдан, давлат идораларидан, қонунни муҳофаза қиладиган, унинг ижроси учун масъул бўлган ходимлардан ҳам қонунни сўзсиз бажаришни талаб қилишга ҳаққи бор.

Ана шундагина бутун жамият тафаккурида қонунга ҳурмат ва итоат билан қараш ҳукмрон бўлади.

Жамиятимизда Конституция ва қонунларга мана шундай муносабат — ҳурмат ва итоат билан қарашни тарбиялашда кўп нарса, аввало, давлат идораси — суд ва прокуратура бўладими ёки милиция ва адлия органлари бўладими — мана шу идораларда ишлайдиган хизматчиларга боғлиқ эканини алоҳида таъкидлаб ўтишимиз даркор.

Ҳеч шубҳасиз, айнан мана шу идоралар ва уларнинг ходимлари қонунга қандай муносабатда бўлаётганига қараб, барча фуқаролар қонунни ҳурмат қилиш, унга итоат этиш масаласини ўзи учун белгилаб олади.

Содда қилиб айтганда, бу тўғрида кўп гапирадиган, ташвиқот қиладиган, унга бевосита жавобгар бўлган одамларнинг ўзи бу масалага бошқача кўз билан қараса, **аввало, ўз манфаатини устун қўйиб, ундан кейингина қонун ижроси ҳақида ўйлайдиган бўлса, бошқалардан нимани талаб қилиш мумкин?**

Мана шу муаммонинг ечимида жуда кўп гап бор. Чунки халқимизнинг "Олдин ўзингга боқ, кейин ноғора қоқ" деган мақоли бежиз айтилмаган. Бошқалардан қонун ижросини талаб қилиб, ўзлари эса унга зид иш тутадиган айрим вазифада ўтирган раҳбарлар, ҳуқуқ-тартибот соҳаси ходимларининг хатти-ҳаракатини ана шу мақол мисолида яққол ифодалаш мумкин.

Афсуски, мана шу масаланинг ечимида бизнинг катта заифлигимиз ва оқсоқлигимиз борлиги сезилиб қолмоқда.

Мухтасар қилиб айтганда, одамларнинг қонунларга нисбатан ҳурмати, ҳеч шубҳасиз, аҳолининг ҳокимиятга бўлган ҳурмати билан чамбарчас боғланганини чуқур англаб олишимиз даркор.

Шу боис биз бундай қарашни мактаб бўладими, олий ўқув юрти бўладими, ҳаётнинг ўзида бўладими, минг бор тарғиб қилмайлик, аввало, қонунга ҳурмат масаласида бошқаларга ўрнак кўрсатиши лозим бўлган мансабдорлар, давлат ходимларининг ўзи ёшларимизга ибрат бўлмаса, қилаётган барча ишларимизнинг самараси ҳақида гапириш мумкинми?

Такрорлаб айтаман, бу ишни энг юқори давлат лавозимларида ўтирган одамлардан бошласак, айни муддао бўлади.

Шу ўринда яна бир савол туғилади.

Бундай даъватлар қуруқ сўз бўлиб қолмаслиги учун биз бугун нималарга кўпроқ эътибор беришимиз зарур?

Биринчилар қаторида яна ва яна бир бор одамларни ҳуқуқий жиҳатдан тарбиялаш, уларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, керак бўлса, умумий маданиятини ўстириш — бу, албатта, керак. Ўқув юртларида, ишхоналарда, ёшми, қарими — аҳолининг барча қатламлари ўртасида бу ишни узлуксиз олиб бориш муҳим аҳамиятга эга.

Иккинчидан, давлат хизматчиларини танлаш, кадрларни жой-жойига қўйиш масаласида, аввало, инсоф ва виждон, иймон ва эътиқод, диёнат ва меҳр-оқибат деган тушунчаларни ўзига бегона деб билмайдиган одамларга алоҳида эътибор қаратиш, ходимларнинг ишга, ўз вазифасига нисбатан масъулиятини ошириш, нопок йўлда юрганларини эса жавобгарликка тортиш — бу ҳам, албатта, муҳим масала.

Учинчидан, бу соҳада олдимизда турган вазифаларни бажариш учун назорат тизимини мустаҳкам асосда ташкил этишимиз ва уни такомиллаштириб боришимиз катта аҳамиятга эга.

Бу ҳақда алоҳида тўхталиб ўтиш лозим, деб ўйлайман.

Нега деганда, бу масаланинг ечимида ҳам гап кўп. Фақат назоратни кучайтираман деб, чегарани йўқотиб қўймаслик, ҳар қандай масалада бўлгани каби, назорат қилишнинг ҳам ўз меъёри борлигини унутмаслик даркор. Яъни, назорат идораларининг сони кўпайиб, бутун ҳаётимиз фақат назорат қилишдан иборат бўлиб қолмаслиги лозим.

Шу ўринда совет давридаги назорат тизимини эслаб ўтиш фойдадан холи бўлмайди, деб ўйлайман.

Ўзингиз биласиз, аввалги тузум замонида қанча-қанча шундай ташкилотлар бор эди. Райижроқўм, оближроқўм, ҳукумат назорати ўз йўлига, бундан ташқари, партия ташкилотларининг назорати — райкомдан тортиб марказий комитетгача бўлган идоралар асосан ўз бурчини, аввало, назорат ўтказишда кўрарди.

Прокуратура, ОБХСС, милиция, хавфсизлик органлари, бунинг устига, "Халқ контроли", "Партия контроли" деган идоралар уларнинг устида тургани маълум. Энди бундай ақлга сиғмайдиган тизимлар тарихда қолди.

Лекин, афсуски, давлат ҳисобидан ойлик олиб ишлайдиган, лекин фаолияти самарасиз бўлган эски назорат тизимига хос айрим иллатлар бугун ҳам ҳаётимизда учраб турибди.

Шунинг учун бу масалага танқидий кўз билан қарамасак, буларнинг сони чегарасиз равишда ўсиб бораверса, эртага ҳаммамиз назоратчиларга айланиб кетмаймизми? Бундай ҳолатда, эскича айтганда, кетмон уриб, бизларни боқадиганлар қоладими ўзи, йўқми?

Назорат қилиш дарвозасини жуда кенг очиб берсанг, бунга хоҳиш билдирадиганларнинг сони кўпайиб бораверади: бунинг сабаби барчамизга маълум.

Ҳаётимизда шу маънодаги жуда кўп ривоят ва мисоллар борки, улар ҳақида гапириш ортиқча, деб ўйлайман.

Бундай аҳволдан чиқишнинг йўли борми?

Албатта, жамиятимиз тобора ривожланиб, одамларнинг онги, маънавий савияси, ҳуқуқий маданияти юксалиб бориши билан уларнинг ўз бурчини қонунга биноан бажариши ва, умуман, жамиятимизда қонун ҳукмронлик қилиши учун кўпроқ асос ва замин пайдо бўлади ва ҳаётимизда назорат қилиш зарурати тобора камайиб боради.

Лекин, шу кунлар қачон келар экан, жамиятимиз савияси қачон юксалар экан, деб қўл қовуштириб ўтириш ҳам тўғри бўлмайди.

Бугунги кунда бундай муаммоларнинг ечимини, аввало, ҳаётимизда жамоатчилик назоратини кучайтиришда кўришимиз даркор.

Биз жамиятимиздаги демократик жараёнлар йўли — келажак тараққиётимиз ҳақида фикр юритар эканмиз, **бу борада бизда кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамиятига ўтиш ғояси, бу ғоянинг маъно-мазмуни исботлаб, асослаб берилгани ҳақида эслатиб ўтмоқчиман.**

Ҳозирги кунда мана шу йўлни ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан янада чуқурроқ тадқиқ этиш, унинг янги-янги қирраларини очиб бериш барча олим ва амалиётчиларимиз олдида турган долзарб вазифадир, деб биламан.

Бугун биз учун бир ҳақиқат аниқ ва равшан бўлиши лозим.

Яъни, жамиятимиз ривожлангани, юксак босқичларга кўтарилгани сари давлатнинг кўпгина вазифалари, **шу жумладан, назорат вазифаси ҳам, унинг роли ва аҳамияти ҳам тобора камайиб, у ўз ўрнини жамоат ва нодавлат ташкилотларига, фуқаролар уюшмалари ва идораларига бериши, бу жараён тўхтовсиз кучайиб бориши зарур.**

Мана шу йўлни биз учун ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш борасидаги ўзимиз танлаган, ўн йиллик ҳаётий тажрибамизда синалган ягона тўғри йўл, деб қабул қилишимиз даркор.

Шундай экан, бугунги кунда ҳаётимизда ижтимоий назорат вазифасини бажараётган нодавлат ташкилотлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш билан бирга, янги тузилаётган жамоат бирлашмаларига ҳам зарур шарт-шароит, қонуний имконият туғдириб бериш биз учун долзарб вазифа бўлмоғи керак.

Гап асло бу ташкилотларга давлат томонидан маблағ ажратиш ҳақида бораётгани йўқ. Бундай сиёсат ва ҳаракатлар биз учун мутлақо нотўғри, номақулдир. Чунки барчамиз яхши тушунамизки, ҳар қандай ишда, ҳар қандай жараёнда ким маблағ ажратса, ўша ҳукмронлик қилади.

Шундан кейин мустақил фикрлаш ва холисона сиёсат олиб бориш ҳақида қандай гап бўлиши мумкин?

Бу масалани ечишнинг бошқа йўли борки, у ҳам бўлса, бундай ташкилотларга қонуний нуқтаи назардан молиявий манбалар топиш имкониятини яратиб беришни назарда тутиш керак.

Бошқача айтганда, бу борада ҳам қонун ишлаши керак.

Азиз дўстлар!

Фурсатдан фойдаланиб, яна бир масалага тўхталмоқчиман.

Бизда шундай бир ноёб, бетакрор ижтимоий бошқарув идораси борки, уни ҳеч нарса билан солиштириб бўлмайди. Бу — юз йиллар давомида ривожланиб келаётган ва айниқса, мустақиллик даврида тубдан янгиланиб, замон талаблари асосида такомиллашиб бораётган **маҳалла тизимидир.**

Бутун халқимиз тан оладиган бу тизимнинг аҳамияти, хосияти ҳақида, унинг юртимизда олиб бораётган серқирра фаолияти, тинчлик-осойишталикни мустаҳкамлаш, одамлар ўртасида меҳр-оқибатни кучайтириш, ёшлар тарбиясига оид ишлари ҳақида кўп гапириш мумкин.

Айни вақтда мен ижтимоий нуқтаи назардан, келажагимиз нуқтаи назаридан қараганда, маҳалланинг энг демократик бошқарув усули ва тизими эканини инобатга олиб, бундай ижтимоий идоранинг ўрни ва таъсири давлат идораларига нисбатан кучайиб ва кенгайиб бориши, ҳаётимиздаги моҳияти тобора ўсиб боришининг тарафдориман.

Шу сабабли биз маҳалла тизимини янада ривожлантиришга алоҳида эътибор беришимиз зарур. **Ўзини ўзи бошқаришнинг халқимизга хос ноёб усули бўлган маҳалла жамоатчилик назоратини ташкил этишда ҳам шундай салоҳият ва имкониятларга эгаки, биз улардан ҳалибери тўлиқ фойдалана олганимиз йўқ. Бинобарин, бу борада ҳам кўп ишлашимиз керак.**

Ҳурматли ватандошлар!

Кейинги пайтда мамлакатимизда кириб келаётган ҳар бир йилга маълум бир ном бериш ўзига хос анъанага айланиб қолганига барчангиз гувоҳсиз.

Бундан мақсад жамиятимизнинг асосий эътиборини мана шу заминда яшаётган ҳар бир инсонга, унинг ҳаётини яхшилаш, бу йўлдаги мавжуд муаммоларнинг ечимини топишга қаратишдан иборат эканини ҳам яхши биласиз.

Биз шу мақсадда бундан бир йил аввал 2001 йилни Оналар ва болалар йили, деб эълон қилган эдик.

Шу муносабат билан қабул қилинган давлат дастурида белгиланган чора-тадбирлар аввалги Инсон манфаатлари, Оила, Аёллар, Соғлом авлод йилларидаги ишлаб чиқилган дастурларга киритилган ишларимизнинг мантиқий давоми бўлган эди.

Аввало, шуни айтиш керакки, биз бу дастурнинг ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамиятини бугун одамларнинг, бутун жамиятимизнинг оила муаммоларига, оналар ва азиз фарзандларимизнинг саломатлигини сақлаш масалаларига бўлган муносабати ва қарашлари тубдан ўзгариб бораётганида кўришимиз мумкин.

Мен бу дастурнинг ижроси ҳақида батафсил ҳисобот бериб ўтирмоқчи эмасман. Фақат унинг эътиборга молик айрим жиҳатлари хусусида қисқача тўхталиб ўтмоқчиман.

Биринчидан, дастурда мустаҳкам ва маънавий соғлом оилани шакллантириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш, бола тарбияси, унинг ҳар томонлама баркамол бўлиб вояга етишида она ва оиланинг ролини кучайтиришга алоҳида аҳамият қаратилди.

Иккинчидан, бу тадбирларни амалга ошириш натижасида аҳолининг тиббий ва умумий маданияти, ўз саломатлигига, оила бахт-саодатининг асоси бўлган соғлом ҳаёт тарзига нисбатан эътибори кучайгани айниқса муҳим.

Бунга турмуш қураётган минглаб ёшларнинг тиббий кўрикдан ўтаётгани, 50 минг ёш оила тиббий ҳимояга олингани, яна шунча ёш оила "Никоҳ ва оила асослари" курсида тегишли маълумотга эга бўлгани ҳам ёрқин далил бўла олади.

Учинчидан, "Она ва бола" дастурини тайёрлаш ва амалга ошириш давомида биз ўз олдимизга қўйган кўп-кўп янги масалаларни ҳам ҳал этишга эришдик.

Айниқса, ушбу дастурни амалга ошириш жараёнида юртимиздаги аёлларнинг 90 фоизи тиббий профилактик кўрикдан ўтказилгани диққатга сазовордир.

Шунингдек, республикамизнинг барча минтақаларида "Она ва бола скрининги" каби биз учун янги бўлган тизимлар жорий этилганини ҳам алоҳида таъкидлаш лозим. Бу марказларга ҳозиргача 580 мингдан ортиқ аёлларимиз профилактик кўрикдан ўтиб, малакали тиббий маслаҳатлар олгани уларнинг саломатлигига ижобий таъсир кўрсатиши шубҳасиз.

Ҳомиладор аёллар ва ҳомилани турли касалликлардан муҳофаза қилиш, уларни йод танқислиги ва камқонликка қарши дори-дармон билан бепул таъминлаш, тўрт ёшгача бўлган болаларни сариқ касалига ва полиомиелитга қарши эмлаш бўйича амалга оширилаётган тадбирлар ҳам ўз ижобий самарасини бермоқда.

Оролбўйи минтақасидаги мураккаб экологик шароитда яшаётган хотин-қизлар ва болаларнинг ёз мавсумида яхши дам олишини ташкил этиш ва саломатлигини тиклашга алоҳида эътибор берилди.

Тошкент, Самарқанд вилоятлари ва Фарғона водийсининг соғломлаштириш оромгоҳларида 4 минг 500 нафар опа-сингилларимиз, 20 мингдан ортиқ фарзандларимиз ҳордиқ чиқариб, малакали тиббий ёрдам олди. Бу мақсадлар учун жами 560 миллион сўм маблағ сарфланди.

Тошкент педиатрия-тиббиёт институтида Республика перинатал марказини қуриш ва уни замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш ниҳоясига етказилаётгани ҳам ана шундай муҳим тадбирлар қаторига киради.

"Она ва бола" дастурига биноан, биринчи марта мамлакатимизнинг ҳамма туманларида қизлар гинекологияси хизматлари ташкил этилди. Шунингдек, кичик ёшли ва балоғат ёшидаги қизларнинг саломатлиги бўйича Республика ўқув-услубий маркази иш бошлади.

Тўртинчидан, оналар ва болаларга мўлжалланган даволаш-соғломлаштириш муассасалари тизими анча кенгайиб, уларнинг моддий базаси мустаҳкамланганини ҳам таъкидлаш зарур.

Буни, аввало, янгитдан қурилган, энг замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган тиббиёт иншоотлари мисолида кўрамиз. Масалан, Гулистон, Қува ва Наманган шаҳарларида барпо этилган реабилитация ва соғломлаштириш марказлари, Нурота туманидаги туғруқхона мажмуи, Бешариқ туманидаги "Она ва бола" санаторийси ҳамда бошқа кўпгина объектлар шулар жумласидандир.

Дастурда болаларимизни жисмоний тарбия ва спорт ёрдамида чиниқтириш масаласи ҳам устувор вазифалардан бири сифатида белгиланган эди. Шу мақсадда бу йил мамлакатимизда биринчи марта академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларининг "Баркамол авлод" ўйинлари ташкил этилди. Мактаб ёшидаги болалар ўртасида эса "Умид ниҳоллари" спорт мусобақалари ўтказилмоқда.

Табиийки, бундай дастурларни ҳаётга татбиқ этиш учун катта куч-ғайрат, катта маблағ ва моддий имкониятлар керак бўлади. Буни биргина "Она ва бола" дастурида 2001 йил учун белгиланган вазифаларни бажаришга 86 миллиард сўм ва 20 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маблағ зарур бўлганидан ҳам билиш мумкин.

Биз дастур ижросини таъминлаш учун керакли молиявий манбаларни қидириб топишга, республика ва маҳаллий бюджетлар, жамоат ташкилотлари, турли жамғармалар, халқаро ташкилотларнинг имкониятларини сафарбар қилишга эришдик.

Мен фурсатдан фойдаланиб, шу ишга ҳисса қўшган барча вазирлик ва идоралар, маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари билан бир қаторда "Соғлом авлод учун", "Маҳалла", "Ибн Сино", Болалар, "Экосан", Меҳр-шафқат ва саломатлик жамғармалари, "Маънавият ва маърифат", "Оила" марказлари, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, кўплаб жамоат ташкилотлари ҳамда ЮНИСЕФ, ЮНЕСКО сингари нуфузли халқаро ташкилотларга ўз миннатдорлигимни изҳор этмоқчиман.

Азиз юртдошларим!

Инсон зоти борки, дунёга орзу-умид билан келади. Оллоҳ берган куч-қувват ва ақл-заковатини эзгулик йўлида намоён қилиб, оила, ўй-жой қуради, фарзандлар ўстиради.

Ҳар бир ота-она ўз зурёдининг ҳеч кимдан кам бўлмаслигига, уларни ўзи бошлаган ишларнинг давомчиси этиб тарбиялашга интилади.

Мана шундай олижаноб интилишлар инсонни инсон қилади, уни доимо виждони олдида ҳисоб бериб яшашга ундайди.

Ҳаётда ўзидан бирон-бир из, яхши ном қолдириш туйғуси одамни куч-қувватга тўлган, навқиронлик пайтида ҳам, кексайган чоғида ҳам тарк этмайди. Ҳаётга муҳаббат, ҳаётга ташналик ҳисси одамзот қалбидан бир умр ўчмайди.

Лекин, табиат қонуни шундайки, ойлар, йиллар ўтиши билан одам балоғат, камолот даврларидан ўтиб, кексалик палласига қадам қўяди. Шундай пайтда у, аввало, ўз оиласи, фарзандларининг, керак бўлса, маҳалла-кўй, жамиятнинг эътибори ва кўмагига кўпроқ муҳтожлик сезади.

Шунинг учун биз бугунги камолимизда, ҳаёт йўлларида эришаётган ютуқларимизда ота-оналаримиз, мўътабар қарияларимизнинг беқиёс хизмати борлигини унутмаслигимиз, уларнинг оғирини енгил, ҳаётини фаровон қилишга интилишимиз лозим.

Бу азиз инсонлар биз барпо этаётган янги жамиятни қуришда ўзларининг бой ҳаётий тажрибаси, ибрати ва ўгитлари билан катта ҳисса қўшаётганини айниқса қадрлашимиз даркор.

Халқимиз "Қариси бор уйнинг париси бор", дейди. Ҳақиқатан ҳам, қаерда кексалар бўлса, уларга эътибор бўлса, шу жойда файз бор, барака бор.

Бундай хонадонни Оллоҳнинг ўзи асрайди. Мен буни кўп-кўп ҳаётий мисолларда кўрганман ва ўйлайманки, бу фикрга сизлар ҳам қўшиласиз.

Шунинг учун ҳам мана шу заминда истиқомат қилаётган, ўз меҳнати билан даромад топиб, фаровон ҳаётга қадам қўяётган ҳар қайси инсон ўз оиласини таъминлаш, иморатлар қуриш, мол-мулк ортириш билан бир қаторда ота-онасига ҳам хизмат қилиши, уларнинг дуосини олиши ниҳоятда муҳимдир.

Шундай олижаноб интилиш, пок туйғу билан яшайдиган одамлар ҳеч қачон кам бўлмайди.

Ўйлайманки, биз мана шу қадриятларни ёшларимиз қалбига ҳам сингдира олсак, бу фазилатлар уларнинг инсоний эътиқодига айланса, юртимиздаги барча оилалар аҳил, осойишта ва бахтли ҳаёт кечиради, жамиятимизда доимо тинчлик ва барқарорлик ҳукм суради.

Азиз дўстлар, биродарлар, халқимизнинг ана шундай асрий қадриятларини инобатга олиб, юртимиздаги барча ёши улуғ инсонларнинг иззат-ҳурматини жойига қўйиш **мақсадида мен кириб келаётган янги — 2002 йилни мамлакатимизда Қарияларни қадрлаш йили, деб эълон қилишни таклиф этаман.**

Муҳтарам дўстлар!

Бугунги кунда жамиятимизда азиз нуронийларимизнинг ўзига хос ўрни бор. Ҳозирги вақтда бундай фахрийларимизнинг сони 3 миллион 87 минг кишини ташкил этади. Уларга ҳар ойда 28 миллиард сўм миқдорида пенсия тўланмоқда.

Давлат томонидан кўрсатилаётган ёрдам билан бирга, кексаларимизга кўпгина жамоат ташкилотларининг ҳам моддий ва маънавий кўмак бераётгани, бундай ҳаракат кенгайиб бораётгани, айниқса, ибратлидир. Хусусан, кейинги пайтда биргина "Нуроний" жамғармаси томонидан уруш ва меҳнат фахрийларига 125 миллион сўмдан ортиқ ёрдам кўрсатилгани ҳам бунга мисол бўла олади.

Мамлакатимизнинг бир қатор амалдаги қонунлари ва ҳукумат қарорларига кўра, пенсионерлар, уруш қатнашчилари ва ногиронларига тегишли имтиёзлар белгилаб қўйилган.

Жумладан, улар ер ва мулк солиқларидан озод қилинган, тиббий, маиший хизмат ва транспорт соҳаларида ҳам муайян имтиёзларга эга.

Лекин, бу масалага холисона баҳо берадиган бўлсак, жойларда баъзи мутасадди ходимларнинг лоқайдлиги, кексаларга беписанд муносабати оқибатида фахрийларимиз ўз қонуний имтиёзларидан тўла фойдалана олмаётганини ҳам кўриш мумкин.

Албатта, биз Қарияларни қадрлаш йили бўйича Махсус давлат дастурини ишлаб чиқиш учун тегишли ҳукумат комиссиясини тузамиз. Ва шу дастурда давлатимиз ва жамиятимиз томонидан қарияларимизни асраш ва авайлаш, бир сўз билан айтадиган бўлсак, уларга моддий ва маънавий ёрдам бериш масалаларига доир чора ва тадбирлар ўз ифодасини топади.

Ана шу дастурда кексаларни ижтимоий муҳофаза қилишни янада кучайтириш, пенсия миқдорларини қайта кўриб чиқиш, айниқса, уруш қатнашчилари ва ногиронларининг имтиёзлари билан боғлиқ масалаларга алоҳида эътибор қаратиш зарур, деб ўйлайман.

Бу дастурнинг асосий маъно-мазмуни шундан иборат бўлиши керакки, бирон-бир кекса инсон давлат ва жамият эътиборидан четда қолмаслиги, ҳеч қачон ўзини ёлғиз ҳис этмаслиги лозим.

Ҳурматли ватандошлар!

Бизнинг яқинлашиб келаётган Янги йилни хонадонларимиз кўрки бўлган қарияларимизга бағишлаётганимиз Яратганимизга ҳам манзур бўлади, иншоолло.

Ишонаманки, кўпчилик мана шу байрам муносабати билан бугуноқ ўзлари учун қадрдон бўлган мўътабар зотларни зиёрат қилиб, ўз ҳурмат-эҳтиромини бажо келтириб, уларнинг кўнглини кўтаради.

Жойларда ҳам ҳокимликлар, жамоат ташкилотлари, маҳалла фаоллари бу савобли ишга қўшилиб, муҳтарам қарияларимизнинг ҳолидан хабар олиб, уларга меҳр-оқибат кўрсатадилар, деб ўйлайман.

Сизларни, бутун халқимизни Конституциямиз байрами билан яна бир бор қутлар эканман, барчангизга сиҳат-саломатлик, хонадонларингизга бахту саодат ва фаровонлик тилайман.

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг еттинчи сессияси тўғрисида АХБОРОТ

(Давоми. Боши 1-бетда).

умумхалқ муҳокамаси учун матбуотда чоп этиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Олий Мажлиснинг Иқтисодиётни ислоҳ қилиш масалалари ва тадбиркорлик қўмитаси раиси М.Умаралиев "Суғурта фаолияти тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ҳақида маъруза қилди. "Ўзбекинвест" экспорт-импорт миллий суғурта компанияси бош директори С.Умаров, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси президенти Б.Йўлдошев ушбу ҳужжат ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Мазкур қонун лойиҳаси муҳокамаси чоғида Президент Ислом Каримов Ўзбекистонда ривожланган суғурта хизматлари бозорини яратиш зарурлигини таъкидлади. Бунинг учун, аввало, суғурталаш фаолиятига халақит бераётган тўсиқларни бартараф этиш, жисмоний шахслар учун имтиёзлар тизимини ишлаб чиқиш зарур. Бизга зарурат туғилганда одамларни қўллаб-қувватлай оладиган энг паст фоиз ставкали суғурта ташкилотлари зарур.

Парламент бу таклифларни инобатга олиб, қонун лойиҳасини биринчи ўқишда маъқуллади. Унинг матни умумхалқ муҳокамаси учун матбуотда эълон қилинади.

Парламентнинг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раисининг ўринбосари Р.Каримов депутатлар эътиборига "Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида"ги қонун лойиҳасини тақдим этди. Қонун лойиҳаси бўйича Кўрғонтепа тумани ҳокими М.Қосимов, Ўзбекистон туманидаги 30-ўрта мактаб директори М.Анварова сўзга чиқди. Олий Мажлис қонун лойиҳасини биринчи ўқишда маъқуллади ва умумхалқ муҳокамаси учун матбуотда чоп этишга қарор қилди.

Олий Мажлиснинг Саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари С.Солиев депутатларга "Қимматбаҳо металлардан ясалган буюмларнинг асллик даражаси ва тамғаланиши тўғрисида"ги қонун лойиҳасини тақдим этди. Бу ҳужжат муҳокамасида Бобур номидаги халқаро жамғарма раиси З.Машрабов, "Олмалиқ кон-металлургия комбинати" очиқ турдаги акциядорлик жамияти бош директори Г.Прохоренко, Ўзбекистон Фанлар академияси президенти Б.Йўлдошев, "Янгийўл ёғ-мой" акциядорлик жамияти директори М.Худоёров, "Совпластитал" Ўзбекистон-Италия қўшма корхонаси бош директори А.Мелкумов сўзга чиқди. Парламент қонунни ва уни жорий этиш тўғрисидаги қарорни қабул қилди.

Сессияда "Чиқиндилар тўғрисида"ги қонун лойиҳаси бўйича Олий Мажлиснинг Атроф-муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси котиби Э.Мирзаев маъруза қилди. Олий Мажлис қонун лойиҳасини биринчи ўқишда маъқуллади ва умумхалқ муҳокамаси учун матбуотда чоп этиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси И.Собировнинг маърузасига асосан, сессия Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритди.

Парламент иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг еттинчи сессияси котибияти раҳбари Ҳ.Нўъмоновнинг ахборотини тингладi.

Олий Мажлис Самарқанд вилоятининг Пайариқ ва Челак, Пастдарғом ва Ғўзалқент туманларини бирлаштириш тўғрисида қарор қабул қилди, Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонларини, Олий Мажлис Кенгашининг қарорини тасдиқлади. А.Аҳадовнинг Марказий сайлов комиссияси раиси этиб сайланиши муносабати билан депутатлар уни Олий Мажлиснинг Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитаси раиси вазифасидан озод қилди. Шунингдек, сессия Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси У.Мингбоевнинг маърузасига асосан, Олий суд таркибига ўзгартишлар киритди.

Шу билан иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг еттинчи сессияси ўз ишини якунлади.

10 декабрь — Ўзбекистон Республикасининг Давлат Мадҳияси қабул қилинган кун

ВАТАН ҚАСИДАСИ

Серқуёш, ҳур ўлкам, элга бахт, нажот,
Сен ўзинг дўстларга йўлдош, меҳрибон!

Ватанимиз тонги ҳар гал давлатимиз Мадҳиясининг ана шу улуғвор ҳамда умидбахш мисралар оҳанглари билан бошланади. Эндигина уйғонаётган қуёш шафағига нур бахш этувчи бу соҳир тарона янграганида, беихтиёр истиқлол насимидан фараҳбахш азиз диёримизнинг бепоён кенгликлари, сахий далаларидаги, серҳосил боғ-роғлари, жўшқин дарёларию ўйноқи сойлари, пурвиқор тоғлари, яшил қир-адирлари бирма-бир кўз ўнгимиздан ўтади. Борлиқ янада гўзаллашиб, ажиб улуғворлик касб этади. Қалбда чексиз ғурур ва ифтихор туйғулари, яратувчилик ва бунёдкорлик ғайрат-шижоати жўш уради.

Ҳурриятнинг муаззам садоси, эл-юрт шарафи, фахри, жаҳоний эътирофи рамзи бўлмиш бу оҳанрабо тарона тўққиз йилдан буён диёримизнинг эркин ҳаволарида баралла жаранглмоқда. Нафақат юртимизда, балки Йўлбошчимиз жаҳоннинг манаман деган давлатларига ташриф буюрганида, нуфузли ва мўътабар халқаро ташкилотлар минбарига кўтарилаётганида озод Ўзбекистонга эҳтиром кўрсатилиб, азим дарё мавжларидек жўшқин Мадҳиямиз янграйди.

Айни чоғда жаҳон ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнини эгаллаётган мамлакатимизга келаётган таниқли давлат ва ҳукумат раҳбарлари, машҳур сиёсат арбоблари Мадҳиямиз садолари остида кутиб олинмоқда ва кузатиб қўйилмоқда. Жаҳон миқёсидаги ареналарда спортчиларимиз эришаётган оламшумул ғалабалар шарафига Байроғимиз кўтарилаётган ҳаяжонли дамларга ҳам юрт қасидаси оҳанглари алоҳида тантаворлик бахш этмоқда.

Энг улуғ ва энг азиз байрамларимиз, мамлакатимиз ҳаётидаги муҳим тарихий воқеалар, халқаро анжуманлар, учрашувлар ва бошқа йирик тадбирлар ана шу шукуҳли тарона садолари остида бошланади. Ҳарбий қисмларда Ватанга садоқат ҳақида қасамёд қабул қилаётган шонли аскарларимиз шарафига ижро этилади. Ўқувчи ва талабаларнинг кундалик сабоқлари ҳам Ўзбекистон Қаҳрамони, ардоқли халқ шоири Абдулла Орипов шеъри ва Ўзбекистон халқ артисти, машҳур композиторимиз Мутал Бурҳонов яратган мусиқа жўрлигидаги Мадҳия ижроси билан бошланиши яхши одатга айланган.

Бир сўз билан айтганда, юртимиз фуқаросининг доимий йўлдоши, бахт-иқболи ҳамда юзи ёруғлиги тимсоли бўлган ўктам ва мардона бу қўшиқ ҳамюртларимиз қалбида она-Ватан сиймосини янада теранроқ гавдалантириш, ёш авлодни шу жонажон юртга чексиз меҳр-муҳаббат, садоқат ва ифтихор руҳида тарбиялашга хизмат қилмоқда, халқимизнинг эзгу ниятларини рўёбга чиқаришида мададкор бўлмоқда.

... Йиллар, асрлар ўтади. Миннатдор авлод мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Президенти Ислом Каримов раҳнамолигида истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ неча минг йиллик давлатчилигимиз анъаналарини тиклаш ва ривожлантириш, суверен давлат ва унинг асосий тимсоллари — Байроғи, Герби, Мадҳияси ва Конституциясини миллий ҳамда умуминсоний қадриятларга мос равишда яратиш борасида амалга оширилган улуғвор ишларни чексиз фахр ва ифтихор билан эслайди.

Зеро, истиқлолимиз истиқболи, юртимизнинг ёруғ келажаги, халқимизнинг ақл-заковати, аждодларимиз шон-шуҳрати, Ватанимиз куч-қудратини шарафловчи бу буюк қасида бамисоли онадек сеҳрли ва меҳрли қаломи билан авлодларимизни ҳамиша улкан бунёдкорлик ишларига чорлайверади!

Ғулом АБДИРАҲИМ,
(ЎзА).

Ўзбекистон — Австрия:

Ҳамкорликнинг янги истиқболлари

(Давоми. Боши 1-бетда).

чуқурлаштириш ва ривожлантиришда муҳим омил бўлди.

Мамлакатларимиз парламентлари, ташқи ишлар вазирликлари, ҳуқуқ-тартиботни сақлаш идоралари, молия ва ишбилармон доиралари ўртасидаги жадал алоқаларни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш зарурдир.

Айнан шу маънода, кейинги йилларда Б. Ферреро-Вальднернинг дастлаб Австрия ташқи ишлар вазирлиги давлат котиби, сўнгра мамлакат ташқи ишлар вазирлигининг федерал вазири ва айни вақтда ЕХҲТнинг амалдаги раиси сифатида, шунингдек, Австрия ички ишлар вазирлиги вакиллари делегацияларининг Ўзбекистонга буюрган ташрифлари эътиборга молликдир.

Ўз навбатида Ўзбекистон ва Австрия ўртасида халқаро ҳаётнинг энг долзарб масалалари юзасидан ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва кенгайтириш борасида Ўзбекистон Республикаси Парламенти Раиси бошчилигидаги делегациянинг ҳамда Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирининг Австрияга ташрифлари бўлди.

Ҳозирги кунда мамлакатларимиз глобал ва минтақавий хавфсизлик, шунингдек, гиёҳванд моддаларнинг тарқалиши, уюшган жиноятчилик ва терроризмга қарши кураш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш муаммолари бўйича ўзаро ҳамкорликда иш олиб бормоқдалар.

2000 йилнинг октябрь ойида — Австриянинг Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотига раҳбарлиги чоғида — Ўзбекистон пойтахтида ўтказилган "Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш: наркотик моддалар, уюшган жиноятчилик ва террорчиликка қарши курашда интеграциявий ёндашув" халқаро конференцияси ўзаро манфаатли, муштарак натижаларга эришишга қаратилган ҳамкорликнинг яна бир далилидир. Ушбу анжуман дунёнинг кўпгина давлатлари ижтимоий-сиёсий доираларида катта акс-садо берди.

Икки томонлама ҳамкорликнинг самарадорлигини яна шунда ҳам кўриш мумкинки, бугунги кунда Ўзбекистон Австриянинг Марказий Осиё минтақасидаги энг асосий савдо-иқтисодий шеригидир.

Ўзбекистон заминида ҳозирги пайтда қурилиш материалларини ишлаб чиқариш, тўқимачилик саноати, фармацевтика, полиграфия соҳаларида австриялик сармоядорлар иштирокида ташкил қилинган 28 та корхона фаолият кўрсатмоқда.

Шуниси ҳам эътиборга молликки, Ўзбекистон Республикаси ва Австрия Республикаси ўртасида ўзаро ишонч ва қулай ҳамкорлик муҳити ўрнатилган.

Австрияда ўтказилган "Ўзбекистон иқтисодиёти кунлари" ҳамда савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Австрия қўшма комиссиясининг бўлиб ўтган икки йиғилиши давлатларимиз тадбиркорлари ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлашга, хорижий компания ва фирмаларнинг ўзбек бозорида фаолият кўрсатиши учун барча шароитларни яратиб беришга қаратилди.

Мамлакатларимиз ўртасидаги маданий алоқалар кўлами ҳам тобора кенгайиб бормоқда.

Жаҳонга Моцарт, Штраусни ва бетакрор Вена операларининг наволарини ҳадя этган Австрия халқининг бой маданий мероси бугунги кунда — учинчи минг йиллик даврида ўзбек халқининг ноёб маданияти ва тараққиёти билан янада яқинлашиб, ўзига хос муштараклик касб этмоқда.

Австрия бадиий жамоалари "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивали, Тошкент халқаро кинофестивалида биринчи маротаба иштирок этаётгани йўқ, Ўзбекистонда Австрия рассомларининг турли кўргазмалари ўтказилади.

Айтиш керакки, мамлакатларимиз ўртасидаги икки томонлама муносабатларда маориф ва фан соҳасидаги ҳамкорлик устувор йўналишлардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ҳузурида ўқув залининг очилгани, Австрияда ўзбекистонлик педагоглар учун семинарлар ўтказилиши, Тошкентда немис тили ўқитувчиларининг меҳнат қилаётгани, турли грант ва стипендиялар тақдим этилаётгани, шунингдек, энергия манбаларини қайта тиклаш соҳасида Ўзбекистон — Австрия махсус консорциуми фаолият кўрсатаётгани бу соҳадаги муваффақиятли ҳамкорлик намуналари сирасидандир.

Шубҳа йўққи, турли соҳаларда икки томонлама ҳамкорликни фаоллаштириш учун улкан имкониятлар мавжуд. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Австрияга буюрилажак расмий ташрифи ҳам, ҳеч шубҳасиз, Ўзбекистон — Австрия муносабатларининг ривожи ва мустаҳкамланиши тарихининг солномасида ёрқин саҳифа бўлиб қолиши баробарида ушбу муносабатлар янада юқори ва сифатли босқичга кўтарилишининг асосий замини бўлиб қолади.

Аслам АКБАРОВ,
"Жаҳон" АА
шарҳловчиси.

Зангиота туманидаги 14-мактаб ўқитувчиси Равшан Азаматов йигирма беш йилдан буён ўқувчиларга сабоқ беради. Ҳар бир дарсига алоҳида тайёргарлик кўргани учун ҳам, унинг Конституциявий ҳуқуқ асосларига оид машғулотлари ҳамиша қизиқарли, мазмунли ўтади. Ўқувчилар онгига Асосий Қонунимиз ғояларини сингдиришда Равшан ака сингари устоз-муаллимларнинг хизматлари катта бўляпти.

СУРАТЛАРДА: машғулот пайти.
Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган суратлар.



Ҳаётимизнинг Бош Қонуни бўлмиш Конституциянинг жамиятдаги ўрни ва аҳамиятини, маъно-мазмуни ва моҳиятини ўрганиш, ёш авлоднинг ҳуқуқий онги, тафаккури ва маданиятини тарбиялаш ҳамда юксалтириш, шунингдек, Конституцияни билиш, уни тарғиб-ташвиқ қилиш бугунги кунда алоҳида аҳамият касб этмоқда. Президентимиз Ислом Каримовнинг "Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида"ги Фармойишида бу борада кенг кўламдаги тадбирлар мажмуи белгилаб берилди.

КОНСТИТУЦИЯ ТЕСТ ОРҚАЛИ ЎРГАНИЛМОҚДА

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказида ушбу вазифаларни бажариш юзасидан салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

Аввало, шуни айтиш керакки, ҳар бир шахс Конституцияда белгилаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликларидан тўла фойдалана билиши, бошқа кишиларнинг ҳақ-ҳуқуқлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиши, ўзига юклатилган ҳуқуқий мажбуриятларни сидқидилдан бажариши лозим. Ана шундай ҳуқуқий билимларнинг мукаммаллиги биринчи галда Бош Қонунимизни ўрганишдан бошланади.

Ҳ.Тўйчиеванинг Давлат тест маркази нашр этган "Конституцияни биласизми?" мавзуидаги тўплами ҳам ана шундай мақсадга қаратилган. Тўплам Конституциямизга дахлдор муайян мавзуларни қамраб олган тест топшириқларидан иборат бўлиб, улардан нафақат билимни синаб кўришда, балки ҳуқуқий тушунчаларни бойитишда ҳам фойдаланиш мумкин.

Ёшлар тест топшириқларини бажариш натижасида Конституциямизнинг асосий тамойилларини, инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, бурчлари, жамиятга ва давлат ҳокимиятига тегишли бўлган қоидаларни ҳам билиб олади.

Тўпламдан ўрин олган конституциявий қоидаларнинг жамиятимиз аъзолари томонидан ўзлаштирилиши даражаларини аниқлашга бағишланган саволлар ёшларни Бош Қонуннинг мазмун-моҳиятини чуқур англашга ундайди, бу борада йўл қўйилиши мумкин бўлган айрим хато ва камчиликларнинг олдини олишга хизмат қилади.

— Айни вақтда юртимиздаги бир қанча олий ўқув юртлари ва мактабларда ёшларнинг Конституциямизни қай даража билишлари тест орқали таҳлил этиб кўрилди, — дейди мазкур марказ директори М.Муҳиддинов. — Бу эса талаба ва ўқувчиларнинг конституциявий билими мониторингини шакллантириш имконини яратди.

Эндиликда юртимизнинг энг чекка вилоятларида ҳам масофадан туриб Конституцияни чуқур ўргатиш ва ёшлар билим савиясини ошириш усули жорий этилмоқда. Бунинг учун тест саволлари асосида махсус компьютер дастури яратилди. Унда шу саволлардан турли вариантлар тузилди. Бу вариантлар Давлат тест марказининг асосий компьютерида сақланади.

Мазкур дастур ёрдамида Навоий вилоятидаги педагогика институтининг махсус компьютер синфи билан электрон алоқа боғланди. Талабалар компьютер синфида тест марказидан электрон алоқа орқали жўнатилган Конституция бўйича тест саволларини ечди. Бухоро давлат университети, Жиззах давлат педагогика институти, Урганч банк коллежи, Тошкент солиқ коллежида ҳам шундай тизимлар яратилди.

Шу билан бирга, марказ Халқ таълими вазирлиги ҳамда "Маърифат" газетаси билан ҳамкорликда "Сиз Конституцияни биласизми?" мавзуида танлов ўтказмоқда. Унга таълимнинг барча турлари тизимида фаолият кўрсатаётган тарбиячилар, ўқитувчилар кенг жалб этилган.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири.

У бор, ҳаёт нашъали

Истиқлолнинг машъали,
У бор, ҳаёт нашъали,
Қутлаймиз шу санани,
Қомусимиз — номусимиз,
Энг Асосий Қонунимиз.

Истибдодли тузумнинг
Ўтиб кетди зуғуми,
Давлатим бор ўзимнинг!
Қомусимиз — номусимиз,
Энг Асосий Қонунимиз.

«Тили қисиқ» халқ эдик,
Биз кимлардан панд едик,
Аслида биз ҳақ эдик,
Қомусимиз — номусимиз,
Энг Асосий Қонунимиз.

Қодирийни ким отди,
Қай ғаним уни сотди,
Ким жаҳолатга ботди,
Қомусимиз — номусимиз,
Энг Асосий Қонунимиз.

Гаҳ деса, қўлга қўндик,
Жабру ситамга кўндик,
Шукур, Мустақил бўлдик,
Қомусимиз — номусимиз,
Энг Асосий Қонунимиз.

Танлаб олдик йўлимиз,
Ёруғ ўнгу сўлимиз,
Энди узун қўлимиз,
Қомусимиз — номусимиз,
Энг Асосий Қонунимиз.

Азамат СУЮНОВ.

Бош Қонун берган имкон

Қорақалпоқ «қалдирғоч»и

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 36-моддасида **«Ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли»** деб ёзилган. Истиқлол ана шу ҳуқуқдан эмин-эркин фойдаланиш учун эшикларни кенг очиб берди. Буни бизнинг ҳиссадорлик жамиятимиз мисолида ҳам яққол ҳис қилиш мумкин.

Маълумки, Хўжайли қадимдан Буюк Ипак йўлидаги муҳим тижорат бекати бўлиб келган. Мустақиллик йилларида Хўжайлининг машҳур бозори янада кенгайди. Бироқ тижоратчилар ҳамда харидорларнинг барча фаслларда бирдек фаолият кўрсатиши учун етарли шарт-шароит йўқ эди. Айниқса, Қуйи Амударё воҳасида қиш ҳамиша қаттиқ келади.

Шуларни ҳисобга олиб, биз, бир неча тадбиркорлар бирлашиб, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки Хўжайли шохобчасига мурожаат қилдик. Шохобча аҳли, хусусан, унинг раҳбари Йўлдошбек Матниёзов бизни илиқ қарши олди. Хўжайли меҳнат аҳли шу атрофда яшовчи аҳоли учун савобли ишга қўл ураётганимизни эшитиб, ҳар томонлама қўллаб-қувватлашди. Натижада Миллий банкнинг ана шу шохобчасидан 55 миллион сўм кредит олдик. Барча муҳандислик коммуникацияларига, иситиш тизимига эга бўлган 3024 квадрат метрлик ёпиқ бозор қурдик. Ҳозир унда 72 та дўкон, замонавий расталар фаолият кўрсатмоқда. 26 нафар хусусий тадбиркор биз билан ҳамкорлик қилмоқда. 50 ўринли шинам чойхона, 300 ўринли бостирма ҳам барпо этганмиз.

Истиқлолнинг ўн йиллиги нишонланган қутлуғ кундан буён бозоримиз эл учун хизмат қилиб келмоқда. Унда иштирок этувчи тадбиркорлар, харидорлар сони ҳам кун сайин, соат сайин ошиб бормоқда. Бозорга келган фуқаролар бу ердаги шарт-шароитларни кўриб, мамнун бўлишмоқда.

Ўз ишимизга назар ташлаб ўйга толаман: собиқ тоталитар тузум шароитида ана шу йўл билан мулкдор, акция эгаси бўлиш, бутун бошли бозор қуриш мумкинмиди? Албатта, йўқ. Бундай «иш» учун фирқа идоралари тадбиркорни «оқ калтак, қора калтак» қилиши аниқ эди.

Биз буларнинг барчасига Президентимиз етакчилигида эришган мустақиллигимиз, озод мамлакатимизнинг Асосий Қонуни берган ажойиб имкониятлар туфайли эришяпмиз. Истиқлолимиз абадий, Бош Қомусимиз доимо амалда бўлсин!

И. СЕЙТЖОНОВА,
«С. Матжонов номидаги махсус универсал бозор» ҳиссадорлик жамияти раиси.

Бахтимиз пойдевори

Далил ва шарх

Олий таълим муассасалари талабалари ўртасида «Конституциямиз — бахтимиз пойдевори» шиори остида кўрик-танлов эълон қилинган эди. Яқинда унинг сўнгги — республика босқичи якунланди.

Гап шундаки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш фанини таълим тизимига жорий этиш бўйича Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан йил аввалидаёқ ташкилий-услубий тадбирларни амалга ошириш режалаштирилган эди. Таълим турлари орасида узвийликни таъминлаш мақсадида дастлаб дастурлар, курслар, ўқув-услубий қўлланмаларга қўйиладиган талаблар ишлаб чиқилди. Барча олий таълим муассасаларида мазкур фандан дарс бериши режалаштирилган профессор-ўқитувчилар учун малака ошириш курслари ташкил қилинди. Олий таълим муассасаларида Конституцияни ўрганиш марказлари фаолият кўрсатяпти. Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент давлат техника университети, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ва вилоят университетларида «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси билан ҳамкорликда талаба-ёшлар томонидан тайёрланган «Конституциямиз — бахтимиз пойдевори» кўргазмалари бўлиб ўтди.

Танлов икки босқичда ўтказилди. Дастлаб республикамизнинг бешта минтақасида — Тошкент, Самарқанд, Хоразм, Фарғона ва Қашқадарё вилоятларида бўлиб ўтган биринчи босқичда ғолиб деб топилган жамоалар кўрик-танловнинг республика босқичига йўлланма олдилар. Унда Самарқанд давлат университети, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти биринчи ўринга сазовор бўлди. Иккинчи ўрин Ўзбекистон Миллий университети, Наманган давлат университетига насиб этди. Қарши давлат университети ҳамда Тошкент юридик институти талабалари эса учинчи ўринни эгаллашди.

У.ФАЙЗИЕВА.

АЗИЗ ВАТАНДОШЛАР !

Акциядорлик тижорат
«Пахта Банк»

барча юртдошларимизни умумхалқ байрами —
КОНСТИТУЦИЯ КУНИ
билан чин дилдан қутлайди.

Конституциямиз мамлакатимизда демократик тамойилларни такомиллаштиришда, Ватанимизнинг гуллаб-яшнашида, аҳоли турмуши фаровонлигини оширишда кафолатдир.

Мустақил Ўзбекистонимизнинг иқтисодий равнақини таъминлаш, унинг буюк келажагини бунёд этиш йўлидаги эзгу ишларингизга муваффақиятлар тилаймиз!

«Пахта Банк» — фаровонлигингиз калитидир !

5067

BRITISH AMERICAN TOBACCO
UZBEKISTAN

БРИТИШ АМЕРИКАН ТОБАКО ЎЗБЕКИСТОН

республика халқини
КОНСТИТУЦИЯ КУНИ
билан самимий муборакбод этади.

Барчага тинчлик-тотувлик, бахт-саодат, фаровонлик, Мустақил Ўзбекистоннинг иқтисодий равнақи ва буюк келажагини бунёд этиш йўлидаги эзгу саъй-ҳаракатларда улкан муваффақиятлар тилайди.

Наби Раҳимов таваллудининг 90 йиллигига

«Шоҳсупа»даги актёр

Ўзбек давлат миллий академик драма театри музейида бўлганимизда, нигоҳимиз давр ўтиши билан анчагина эскириб, сарғайиб қолган, театр архивида сақланиб келаётган афиша — «программа»га тушди. У бундан 72 йил аввал, яъни 1929 йилда ушбу драма театри саҳнасида томошабинларга кўрсатилган «Боговот» номли спектаклга тааллуқли эди. Ундаги ролларнинг ижрочилари орасида машҳур театр ва кино актёри Наби Раҳимовнинг номи ҳам бор.

Ўзининг санъатга кириб келиш тарихини Наби ака қуйидагича ҳикоя қилганди:

— Мен Кўқонда, оддий косиб оиласида туғилганман, отам раҳматли эрта қазо қилиб кетган. Акам иккимиз падаримиздан қолган кичиккина устахонани юргизиб, тирикчилик ўтказардик. Косибчилик ишларини бажараётганда хиргойи қилиб, ашулалар ҳам айтиб ўтирардим, санъат ва санъаткорларни жуда яхши кўрардим. Кунлардан бир кун устахонамизга пойабзалини яматгани паст бўйли, кўзлари қийиқ, қўлида эски папка кўтарган бир киши кириб келди. Ғиғиллаб айтиб турган ашулам — «Ўргилсин қулинг»ни тўхтатиб, аста-секин бошимни кўтариб, унга боқдим-у, ўзимни тутолмай, қаҳ-қаҳ уриб кулиб юбордим. Шунда у менга қараб, илжайишда давом этиб, деди:

— Ҳа, башарамга қараб, намунча хандон ташлаб куляпсан... Ахир менинг оғзим эмас, ботинкамнинг таги йиртилиб қолган-ку, хумпар!.. Қани, шумтака, майнавозчиликни йиғиштир, курсичангни бундоқроқ суриб, ўтиришга ёрдам бер-чи...

— Курсига ўтиришга бақалоқ «қоринчангиз» йўл қўймаяптими? —кулги аралаш унга савол ташладим.

У бироз маъюсланиб, пешонаси тиришиб, деди:

«Ҳай, сен ҳақиқатан ҳам зап шумтака экансан-ку... Тезроқ ўтиришга ёрдам бер, ахир «радикулитим» тутиб қолди, хумпар!..

Мен ундан сўрадим:

— Амаки, «райикулиб» деганингиз нима ўзи?

— Ҳали фақат шумтака эмасман, янги сўзлар ҳам тўқийдиган хумпарман ҳам, дегин... Оббо сен-ей, «Радикулит»ни бирпасда, чапдастлик билан ўзбекчалаштириб «райи кулиб» ҳам қилиб юбораман дегин. Сенда, болакай, кўп гап борга ўхшайди...

— Ўзингизнинг юзингизда, кўринишингизда ҳам кўп гап борга ўхшайди, чеҳрангизга қараган одам бехосдан кулиб юбораркан.

Антиқа зот бироз жиддийлашиб деди:

— «Ашула ҳам айтаркансан, қизиқчиликни ҳам бопларкансан, кулишинг ҳам қўнғироқдек жаранглор экан... Соз чалиб, рақсга ҳам тушсанг керак-а?..

— Бўлмаса-чи, шаҳардаги клуб қошида ташкил этилган ҳаваскорлик тўгарагига ҳам қатнашаман, яқинда қўйилган бир пардали саҳна томошасида ямоқчи — косиб ролини ижро этдим, залдагилар роса қарсак чалишди, тоза кулишди... Ҳамма «Ижрони қотириб қўйибсан, кулдиришни ҳам дўндирдинг», деди. Ўзим косиб — ямоқчи бўлганимдан кейин, ямоқчи ролини ҳам дўндирамиз-да.

— Ҳей, сен ҳам ўзимиздан экансан-ку... Саҳнада роль ўйнаркансан... Театрга боришни, ҳақиқий саҳнада роллар ижро этишни истайсанми?

Кейинчалик билсам, бу киши машҳур комик актёр, халқнинг суюкли санъаткори Миршоҳид Мироқилов экан. У мени 1926 йилда давлат профессионал театрига олиб келганди...

Наби Раҳимов театр санъати бўйича махсус билим юртида ёхуд олий санъат институтида таълим олмади. Унга иқтидорни табиатнинг ўзи ҳадя этганди. Миллий академик театр эса унинг учун ҳақиқий ўзига хос «дорилфунун», «академия» вазифасини ўтади. Бу муаззам даргоҳда у Маннон Уйғур, Аброр Ҳидоятов, Етим Бобожонов, Обид Жалилов, Миршоҳид Мироқиловлар сингари буюк актёр, режиссёр, беназир санъаткорлардан саҳна санъати, актёрлик маҳоратидан сабоқ олди, ижрочилик сир-синоатларидан воқиф бўлди, тажриба орттирди.

Миллий академик драма театри саҳнасида унинг дастлаб ижро этган роли «Боговот» спектаклидаги Егор роли эди. Шундан сўнг мазкур театрда саҳналаштирилган юздан ортиқ спектакларда ранго-ранг, ажойиб, бадиий баркамол, ҳар жиҳатдан тўлақонли ва томошабин хотирасидан ўчмайдиган образларни яратдики, булар театр маданиятимиз хазинасининг ҳақиқий бойлигига айланиб қолди.

Актёрнинг Ягоси («Отелло»), Каскаси («Юлий Цезарь»), «Фариблар»даги Ота роли Хлестакови («Ревизор») уни актёрлик «шоҳсупаси»га олиб чиқди.

Наби Раҳимов жаҳон «театр Шекспирномаси» равнақига ҳам катта улуш қўшиб кетди, ўзбек «саҳна Шекспирномаси»нинг бунёд топиши ва тараққиётига жиддий хизматлар қилди. Буюк санъаткорнинг «Қирол Лир»даги Олбени сиймоси юксак тақдирланган эди.

Шундай спектакллар ҳам бор эдики, ўткир маҳоратли актёр ундаги у ёки бу мураккаб ролни, ҳатто фожеавий асардаги персонаж руҳиятини, характерини ҳам комик шевалар билан, ҳам фожиавий-трагик аснолар билан мужассам этарди. Худди шундай ҳолатни биз Шекспирнинг «Отелло»сидаги манфур Яго иштирокида кечадиган саҳналарда ҳам кўришимиз мумкин. Бунингдек иқтидор ва маҳоратга ҳамма ҳам эга бўлавермайди...

У экран сеҳргари, киносанъатининг моҳир устаси эди. 50 дан ортиқ бадиий фильмларда ўткир характерли, сира хотирадан ўчмайдиган қуйма сиймоларни яратди, катта маданий мерос қолдирди. Устоз санъаткор кўп йиллар Санъат институтида таълим олмади. Унга иқтидорни табиатнинг ўзи ҳадя этганди. Миллий академик театр эса унинг учун ҳақиқий ўзига хос «дорилфунун», «академия» вазифасини ўтади. Бу муаззам даргоҳда у Маннон Уйғур, Аброр Ҳидоятов, Етим Бобожонов, Обид Жалилов, Миршоҳид Мироқиловлар сингари буюк актёр, режиссёр, беназир санъаткорлардан саҳна санъати, актёрлик маҳоратидан сабоқ олди, ижрочилик сир-синоатларидан воқиф бўлди, тажриба орттирди.

Миллий академик драма театри саҳнасида унинг дастлаб ижро этган роли «Боговот» спектаклидаги Егор роли эди. Шундан сўнг мазкур театрда саҳналаштирилган юздан ортиқ спектакларда ранго-ранг, ажойиб, бадиий баркамол, ҳар жиҳатдан тўлақонли ва томошабин хотирасидан ўчмайдиган образларни яратдики, булар театр маданиятимиз хазинасининг ҳақиқий бойлигига айланиб қолди.

Баҳриддин НАСРИДДИНОВ.
СУРАТДА: Наби РАҲИМОВ Яго ролида. (Сурат муаллифнинг шахсий архивидан олинди).

Қизиқчи бўладиган болам

Ҳажвий ҳикоя

Ўғлим Жаҳонгир бешинчи синфга ўтди-ю, Мирзабекнинг аскияларини ўхшатиб айта бошлади. Қочиримлари ҳам бинойидек. Хурсанд бўлдим: ахир ҳозирда қизиқчилик ҳам яхши касб, ўзбекнинг нимаси кўп — тўю томошаси.

Талант ҳам папалаб турилса, энигаю бўйига ўсаверараркан. Аскияларига ҳангомалар, афандию лофлар қўшилди. Баъзида ёлғонлаб кимнидир «чув» тушириб, ҳаммани кулдиради. Қўшилиб мен ҳам куламан. Ахир буниси ҳам талантнинг бир қирраси-да! «Ҳали Мирзабекдан-да ўтасан ўғлим, Ғофур Ғуломнинг «Шум боласи»ю Алдар кўса сенга «чикора» болам...»

Мақтовдан қувонган Жаҳонгир секин жилмайганча мушук боласидек пинжимга суқилади-да, уялганнома футбол тўпига пул сўрайди. Тиш ковагида асраб юрган уч минг сўмни шартта чиқариб унга узатаман.

— Ма, ўғлим, тузукроғидан ол! Унча-мунча копток бу «Дўм тўйхонасининг темир устунларию арматура панжараларига ҳадеб «шўр пешонаси»ни ураверишга чидолмайди.

Хуллас, ўрганиб қолдим — оқшомлари Жаҳон қизиқдан бир нарса эшитмасам, уйқу келмайди. Аммо у ҳам иримчи чиқиб қолди — айтганига чўтал сўрайди. Келажакни ўйлаб индамайман. Гоҳида қарз бўлиб қоламан. Дафтар тутган — ёзиб қўяди. Пишиқ. Майлида, ҳозирги замонда қайси талант бекорга бош оғритади?

Иттифоқо, яқинда — ёз бошида елвизакда ўтириб шамоллаб қолдим. Ёздагиси ёмон бўларкан. Кун бўйи кайфият чатоқ. Уйда дори ичиб, хотиннинг бемеҳрларча «ёздаям шамоллайдими, эркак киши» деган дашномини эшитиб, эзилиб ётибман. Кечқурунлари шу тошмеҳр хотиннинг рўпарасида телевизор кўриш ҳам юракка сиғмайди. Мактабдан таътилга чиққан Жаҳонгир ҳам уйда. Бироқ унинг талантини ҳам кўнгил хушламайди. Шу кўйи ҳафта ўтяпти. Ишга бормасанг, хотин билан қовоқ-тумшуқ қилиб юрсанг, кунларни ҳам унутиб қўяркансан.

Нонуштадан сўнг қўшалоқ таблеткани оғизга солиб, ортидан чойни ҳўпларканман, ўғлимдан сўрадим:

— Жаҳонжон, бугун нима кун? Пайшанбами?

— Ҳа, дада. Кеча чоршанба эди.

— Унда оқшом телевизордаги «Спортлото» ўйинини кўрмадингми?

— Йўқ.

— Ия, сени қара-ю! Ўнта вариантни чизиб келганман-а. «Дўм»имизда кимдир ўйнаб туради дегандинг.

— Элёр акамлар. Лекин эртага жума — «Мулкдор»да чиқади-ку!

— Ия, қанақа одамсан! Эртагамиш... Ютиб, миллионер бўлган бўлсак-да, эски бўйрадек уйда чанг босиб ётаверайликми? Бор, қўнғироқ қил!

Жаҳонгир ошхонадан эринибгина чиқиб кетди. Ёстиққа ёнбошлаганча уни кута бошладим. Хиёл ўтмай, у қайтди — қўлидаги бир парча қоғозда янги тиражнинг олтита ютуқли рақамлари ёзилган эди.

Чипталарни текшира бошладим. Сира яқинига йўламайди. Тўққизтасидан ҳафсалам пир бўлди-қўйди. Диққатим ошди: қачон бизга ой кулиб боққанди, энди боқса! Истамайгина охиргисига кўз югуртирдим. Ваҳ-ҳай-ҳай. Кўзларимга ишонмайман — қаторасига мен чизган учта рақам тўғри келяпти. Юрагим ҳаприқиб, чиптани тўнтариб қўйдим. «Э, худо, қани энди яна биттаси тўғри келса, ютуқли бўлардим». Оҳиста бояги чиптани қўлга олдим. Ваҳ-ҳай-ҳай-ҳай. Мўъжиза! Қолган учтаси ҳам тўғри келса-я. Бунақа бахт, омад эртаклардагина юз беради. Менда эса... Шартта ўрнимдан туриб уйни гир айланганча нималар деб бақирганимни ҳануз билмайман. Айтишларича, ووзимдан чўчиб, дўмимиз олдидаги дарахтлардан қушлар бирваракайига «гув» этиб учиб кетганмиш. Кейин эса Жаҳонгирни даст қучиб кўтарганча «Отанг анойи эмас, ўғлим. Топдим!!! Билардим бир кун омадим келишини. Ахир ойнинг ўн беши қоронғи, ўн беши ёруғ! — дея мақтаниб кетибман. — Ахир шаҳарга ёзувчи бўламан, деб келиб қанча қийналдим-а. Ҳақиқат бор экан. Буни қара-я, олтита-я. Жэк-поти қанча эди? 25 миллион. Оҳ-ҳа-ҳе. Миллионернинг ўғлисан энди. Мактабга қатнаб ўтирмай, «Жаҳон қизиқ» гуруҳини ташкил қилавер! Ҳомий тайёр!».

Жаҳонгир гапларимдан сакраб-сакраб мендан баттар қувонди, мени қайта-қайта қучиб, касал бўлсам-да, юзкўзларимдан жирканмай ўпди.

— Эшикни қулфлаб кўй, — дедим ўғлимга қараб жиддий тортиб.

— Қулф-ку! — деди у ҳайрон бўлиб.

— Ҳар эҳтимолга қарши-да. Ахир дўст бор, душман бор.

Лўлаболишга ёнбошлаганча хаёлга чўмаман. «25 миллион... орзуларга пойандоз... Хотинга оғзидан чиққанини олиб бераман, эрининг кимлигини, ёзувчиларнинг қўлига пул тушганда сахий бўлишини бир билиб қўйсин! Яқинда тугаётган романимга ҳомий қидириб ўтирмай, шартта ўз пулимга чиқара қоламан. Бировларга ялиниб аҳмоқ бўп юраманми? Дўстлар суюниб, душманлар куйиниб қолсин. Лекин ютуқли чипталарни мўмай пулга ҳам сотишади, дейишади. Олдиганлар икки ҳисса кўп берармиш. Нақд 50 миллион-а! Ростдан сотсаммикан?.. Яқинда таътил. Бу йилгиси зўр ўтади энди. Балки неча йиллик ният — чет эл сафарига борарман. Машина... ўзимизнинг «Нексия» ҳам чаккимас: бензинни тежайди, кўриниши «класс!». Эҳ-ҳа, гирт эртаклардаги бойвуччаларнинг ўзиман-а, нимани истасам, барчаси амалга ошади. Омад деганлари шу экан-да, дунё ўзўзидан оёғинг остига юмалаб келаркан».

Илкис туриб бориб, телефон гўшагини кўтардим. Ёру дўстлардан суюнчи олиш керак. Эндигина учта рақамни тергандим, кўйлагимнинг енгидан кимдир тортқилаяпти. Қарасам, ўзимизнинг Жаҳон қизиқ. Ҳатто унинг уйдалигини ҳам унутибман.

— Ҳа, нима дейсан? — дедим унга қараб миллионерларга хос виқор билан. — Пича халақит бермай турсанг ўласанми?

— Боя...

— Нима, боя... Гапир!

— Ҳазиллашгандим.

Телефон дастаги қандай қилиб қўлимдан полга тушиб, чил-чил бўлганини билмайман. Юрагим санчиб, бошим гир айланиб, кўз олдим қоронғилашиб, тил ўлгур калимага келмай, деворга суянганимча «шилқ» этиб полга ўтириб қолдим. Аҳволимни кўриб, Жаҳонгир қўрқиб кетди. Сўнг сув келтириб юзларимга сепди, стаканда қолганини ичирди.

— Нега алдадинг, аблаҳ? — дедим сал ўзимга келиб.

— Сизни бир хурсанд қилай, девдим-да, дада. Неча кундан бери ёмон касалсиз...

— Эй, касал бўлмай мен ўлай, хурсанд қилмай сен ўл! Бирданига 25 миллиондан айрилган одам жинни бўп қолиши ёки юраги ёрилиб ўлиши мумкин-ку?!

— Кечиринг.

— Йўқол, кўзимдан. Мирзонинг кассеталарини ҳам бошқа кўрмай. Ҳе, ўргилдим сендақа хонаки масхарабоздан!

Жаҳонгир қовоқ уйиб чиқиб кетди. Яна секин лўлаболишга ҳолсизгина ёнбошлайман. Пешонамни ушласам ёнади — ўт-олов, иситмам баланд. Туриб-туриб аламим ошади. «Мана, болани эркалатишнинг оқибати. Топган қилиғини қаранглар-а. У телефонда ҳеч ким билан гаплашмай, мен ўйнаган чипталардан биридаги чизилган рақамларни кўчириб чиққан экан. Ўргилдим-ей, сендақа ўғилдан. Қандай тез бойиган бўлсам, шундай тез гадо бўлдим-а. Эҳ-ҳе, бу туш бўлса ҳам майли эди...»

Бу гаплар-ку ўтдию кетди-я. Аччиғимдан ўша куни мен ўзимга-ўзим бошқа «Спортлото» ўйнамайман, деб ваъда бердим. Лекин ўша куни Жаҳон қизиқ кўчага чиққач, футболчи ўртоқлари «ўйларингда нима тўполон бўлди, кимдир бақирдими?» деб сўрашса, «қизиғи қистаб» бор гапни оқизмай-томизмай айтиб берибди. Энди болалар мени кўришса, йўлакда ўйнаб турган футболни тўхтатиб, ўтиб кетгунимча бир-бирларига пичир-пичир қилганларича йўл бўшатадиган бўлиб қолишди. Бир-иккитасининг «Қоч, миллионер келяпти» деганларини ўз қулоғим билан эшитдим. Энди бунисига чидолмаяпман. Қасдма-қасдига «Спортлото»га янада ружу қўйдим. Гоҳида оч қолсам-да, тушликка хотиндан зўрға олган пулга ҳам ўйнайвераман. Ютмаган ҳам номард, миллионер бўлмаган ҳам. Ҳали мени калака қилишларини бу шумтакаларга кўрсатиб қўяман...

Адҳам ДАМИН.

Хабарингиз борми?

Фан-техника янгиликлари

Мамлакатимизда онкологик (ўсмали) беморларда иммунотанқислик ҳолатини даволаш усуллари аниқланди. Бунда беморларга соғлом донор плазмасининг унча катта бўлмаган миқдори (доза) билан HLA — антителага юборилади. Бу усул беморларга шикаст етказмайди, кимё ва нур терапия даволаш йўллари билан биргаликда яхши натижа беради. Даволанишнинг иккинчи ва учинчи кунларида беморнинг умумий аҳволи яхшиланади, оғриқлар камаяди, ўсмага қарши иммунитети ортади. Катта ўлчамдаги кўкрак бези ракини даволашда ушбу усулнинг бошқаларга қараганда таъсири юқори бўлади. Айниқса, ўпка, қизилўнгач, кўкрак бези каби ўсмали касалликлар билан оғриган беморларга кимётерапевтик усул билан биргаликда қўлланилса, унинг самарадорлиги янада ошади.

* * *

Ветеринария соҳаси олимлари протозойга қарши «Полиамидин» препаратини кашф қилдилар. У қорамолларнинг инвизион касалликларини даволаш ва олдини олишда қўлланилади. Бу препарат сувли эритма кўринишида бўлади. Касалликнинг олдини олиш мақсадида дорининг I марталик дозаси — 200 кг. оғирликка 8 мл. миқдорда (8 мл/200 кг) жониворларнинг юқори 3-бўйин умуртқаси тери ости соҳасига юборилади. Унинг афзаллиги шундаки, кам зарарли бўлиб, узоқ муддат давомида (бир маротаба юборилгандан кейин 40 кунгача) таъсир этиши билан фарқ қилади.

* * *

Шамоллашга қарши «Конварен» дориси ихтиро қилинганидан хабарингиз борми? У Марказий Осиё ўсимликлар дунёсига мансуб қуритилган доривор бўлиб, шамоллашнинг экссудатив ва пролифератив фазаларини тезда тўхтатади. «Индометацин» ва «Вольтарен» препаратларидан устун туради. Бу дори кам зарарли (ЛД 50-10.000 мг/кг) бўлиб, уни узоқ муддат қўлланилса ҳам, периферик қон таркибида, ички аъзолар тўқималари ва морфологиясида, шунингдек, ошқозон-ичак соҳаси шиллиқ қаватида ҳеч қандай ўзгариш келтириб чиқармаслиги билан бошқа антифлогистик дорилардан ажралиб туради. Бу дори оғриқ қолдириш ва иссиқ тушириш хусусиятига ҳам эга.

Фан ва техника давлат қўмитаси Бюллетени асосида Оқил АБДУАЗИМОВ тайёрлади.

Нурота каштачилари кўргазмаси

Тошкентдаги Ҳиндистон маданият марказида «Нурота каштачилик санъати» кўргазмаси ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси Бадиий академияси тасарруфидаги Навоий вилояти Нурота тумани тасвирий ва амалий санъат лицей-интернатининг ёш ижодкорлари унда ўзларининг «Сўзана», «Такопушт», «Ойнахалта», «Жойнамоз», «Белбоғ», «Ёстиқча» каби бир қанча ижодий ишлари билан қатнашдилар.

Маълумки, асрлар давомида етишиб чиққан моҳир чеварлар бу санъатнинг қадимий анъана, одатларини ўзлаштириб келишган. Улар игна билан қудуқ қазишдек машаққатли меҳнатлари туфайли санъат асарлари яратишга муваффақ бўлганлар.

Нуроталик каштачиларнинг ҳам ўз ҳунарларига шундай меҳр билан ижодий ёндашганини кўриш мумкин. Матоларга туширилган тасвирларда изланиш, ижод ва яратувчанлик сезилади.

Лицей ўқувчилари ўзларининг ижодий ишлари билан вилоят, республика ва халқаро миқёсдаги турли кўргазма ва конкурсларда, шунингдек, Чехия, Миср Араб Республикасида ўтказилган кўрик-танловларда «Олтин медаль» ҳамда диплом билан тақдирланганлиги бунинг исботидир.

Умида ҚОДИРОВА.

Азиз ватандошлар!

"Ўздунробита" уяли алоқа қўшма корхонаси сизларни умумхалқ байрами - Конституция куни билан табриклайди!

Бу тантанали кунда сизларга тинчлик, омонлик, бахт, омад ва файзу барака тилаймиз!

«Чағониён» интернет тармоғида

Дарҳақиқат, айрим туман газеталари бор-йўғи 300-500 нусхада чиқаётган бир пайтда, Денов тумани ҳокимлигининг «Чағониён» газетаси Интернет тармоғига уланди. Энди деновликлар нафақат туман, вилоят, балки республикамизу хорижда бўлаётган ўзгаришлар билан мунтазам танишиб борадилар. Қарийб 8 минг нусхада чоп этилаётган «Чағониён» Янги йилдан бошлаб ўн беш минг обуначи хонадонига кириб боради.

Маданият ишлари вазирлиги Ўзбекистон халқ ҳофизи **Рўзмат ЖУМАНИЕЗОВнинг** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси Марказий Кенгаши уруш ва меҳнат фахрийси **Вали МУҲАМЕДОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент давлат юридик институти маъмурияти институтнинг «Ўзбек тили» кафедраси мудири, профессор К. Назарова турмуш ўртоғи **МУҲАББАТХОН аянинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Бозор ислоҳотлари илмий-тадқиқот институти жамоаси институтнинг собиқ директори, академик, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби **Халил ЖАЛИЛОВНИНГ** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати: Э. Болиев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), М. Егоров (масъул котиб — «Народное слово»), Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Ш. Ризаев, С. Зинин, М. Миралимов, С. Муҳиддинов, М. Сафаров, Р. Фарҳодий, И.Худоёров, И. Шоғуломов, О. Қаипбергенов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), Ў. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР: *Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 136-29-89; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.*

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001. Буюртма Г — 3115. 20397 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшид ТОҒАЕВ ва Зокир БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди. Ⓣ -Тижорат материали

● МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров.
Навбатчи — М. Холматова.
Мусаҳҳиҳ — О. Абдуазимов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишга топшириш вақти—21.00 топширилди: 1.30 1 2 3 4 5 6